VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

35 (96) 2010 йил 30 август, душанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



### Фидойи аждодларга муносиб эҳтиром

Бу ерга келган зиёратчилар тинч-осуда ўтаётган кунларимизга шукрона келтиради. Соғ-саломат камолга етаётган фарзандлари бахтини кўрган оналар чеҳрасига табассум югуради. Хаёлан тарихнинг қоронғу кўчаларига назар ташлаган ёшлар тинчлик ва истиқлол нақадар улуғ неъмат эканини англайди.

4-бет



### Ўзбекистон спортчилари — дунё жамоатчилиги эътирофида

Тадбир бошланаркан, ёш спортчилар мундиал қаҳрамонини жўшқинлик билан кутиб олдилар. Болалар қўлини кўксига қўйиб мадҳиямизни тинглашаркан, улар қалбида шубҳасиз фахр, ғурур ҳамда қаршисидаги спортчи тимсолида Ўзбекистон спортчилари порлоқ келажагига ишонч ҳисси жўш урди.

5-бет



### "Мустақиллик — олий саодат"

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш, хотин-қизларни ташаббускорликка чорлаш ва энг асосийси, партия фаоллари ҳамда унинг хайрихоҳларини "Мустақиллик — олий саодат" эзгу ғояси атрофида бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилган форум иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

6-бет

ЖАРАЁН

## Мустақиллик йилларида Ўзбекистонимиз босиб ўтган тараққиёт йўли

**Мамлакатимиз бундан 19 йил олдин ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, халқимизнинг қандай оғир ва фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.**

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир вазият ҳукм сурганини ёдда тутиш ва тасаввур этишга тўғри келади.

Маълумки, собиқ совет тизими қатъий марказлаштирилган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш усулига асосланган эди. Ана шу тизимга хос бўлган иллатлар билан бир қаторда республикамиз иқтисодиётининг бирёқлама ривожланиб, хомашё тайёрлашга йўналтирилгани, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлигининг мисли кўрилмаган даражага етгани ўша пайтда юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Ғоят улкан табиий, минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларига, инсоний салоҳиятга эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринлардан бирида турар эди. Бундай шароитда иқтисодиётнинг ҳалокатли равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин даражада ўсиб кетишига чек қўйиш, шаклланган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқишига барҳам бериш, ишсизликнинг янада ортиб кетишига йўл қўймаслик фавқулодда муҳим аҳамият касб этар эди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ана шу ҳолатларнинг барчаси эътиборга олиниб, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб дунё тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилди. Унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» рисоласида халқимиз босиб ўтган миллий тараққиёт йўлини чуқур таҳлил этиб, бу борада икки тарихий давр муҳим ўрин тутганини ҳар томонлама асослаб берган эди. Аввало, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида беқиёс ва улкан, том маънода тарихий из қолдирган давр бўлди.

Шу билан бирга, мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври – 2001 йилдан бугунги кунгача бўлган муддатни ўз ичига олган навбатдаги босқич эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш, аҳоли ҳаёт даражасининг муттасил ўсиб боришини таъминлаш борасида янада муҳим аҳамият касб этди.

Бу хусусда сўз борганда, мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқ ва марралар – авваламбор, мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ўз вақтида бошланган, ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсатнинг натижаси эканига такрор-такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, унинг афзалликлари ҳақида жаҳондаги нуфузли сиёсатчи ва иқтисодчилар, эксперт ва таҳлилчилар томонидан кўплаб ҳаққоний фикрлар, юксак баҳолар билдирилган. Асосий негизини иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги, сиёсатдан устунлигини назарда тутадиган прагматик иқтисодий сиёсат; давлатнинг бош ислоҳотчилик вазифасини ўз зиммасига олиши; қонун устуворлигини таъминлаш; кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби машҳур беш тамойил ташкил этадиган ушбу тараққиёт модели, айниқса, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзининг нақадар тўғри эканини яна бир бор исботлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизнинг четдан тиқиштирилган, "шок терапеяси" деб аталган усуллардан, "бозор иқтисодиёти ўзини ўзи бошқаради" қабилидаги сохта қарашлардан аввалбошданоқ воз кечиб, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтишда инқилобий эмас, балки тадрижий ривожланиш йўлини танлагани бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Айниқса, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Ислоҳотлар – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган, бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетган ҳаётий шиорлар негизида янги давлат, янги жамият пойдеворини барпо этиш йўлида қандай ютуқларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш мумкин.

Юртимизда ўтган йиллар давомида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва бошқа институционал тизимлари айнан ана шу тамойиллар негизида шаклланиб, фаолият олиб борди, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор дастур ва режалари, жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам шу асосда ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилди. Шунинг ҳисобидан биз бугунги кунда собиқ совет тузумидан қолган оғир иллатларнинг хатарли таҳдидларини енгиб ўтиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан сақланиш учун ишончли тўсиқ ва мустаҳкам пойдевор яратиш билан бирга, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланишини, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги узлуксиз ошиб боришини таъминлашга эришмоқдамиз.

Фақат мустақил тараққиёт, ижтимоий-сиёсий тизимдаги чуқур ўзгариш ва ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг ана шундай жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш имконияти пайдо бўлганини бугун ҳар қайси юртдошимиз ўз ҳаёти мисолида кўрмоқда.

Истиқлолимизнинг энг буюк ютуқларидан бири – юртимизда тарихан қисқа муддатда миллий давлатчилигимиз пойдевори яратилгани билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди. Миллий давлатчилигимизнинг энг муҳим қадриятларини белгилаб берадиган Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиб, улар орасида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши ҳал қилувчи қоида сифатида муҳрлаб қўйилган.

2-бет

## Мақсадимиз — ёшларимиз қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборат

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари билан танишди

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, юксак муваффақиятлар йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий таълим, маданият, санъат, тиббиёт муассасалари, корхоналар, уй-жойлар, равон йўллар ва кўприкларни кўрган кўз қувнайди, юракда фахр-ифтихор ҳисси ортади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши йўлида доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг, мусиқанинг ўрни ва аҳамияти ғоят каттадир. Шу маънода ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ бу йўналишдаги ишларнинг кўлами янада кенгайди.

Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносини бориб кўрди.

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама камол топтиришни таъминлаш, бошланғич ихтисослаштирилган мусиқа таълимини янада такомиллаштириш ҳамда шу асосда мусиқа маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ жорий йилда лицей учун яна битта янги ўқув биноси барпо этилди, собиқ Республика мусиқа коллежининг биноси негизидаги ўқув корпуси тубдан қайта таъмирланди.

Ушбу мусиқа даргоҳи эндиликда 900 ўқувчига мўлжалланган 4 ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона ва 210 ўринли 3 ошхонага эга бўлди. Барча ўқув хоналари 64 номдаги замонавий мусиқа чолғулари ва жиҳозлари билан таъминланди. Лицей мусиқий таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминловчи 12 йиллик таълим муассасаси бўлиб, 9 йиллик мактаб ва 3 йиллик лицейдан иборат.

1-9 синфларда мусиқа йўналишида бошланғич мусиқа сабоқларини олган иқтидорли ёшлар, ушбу таълим муассасасининг ўзида ўқишни давом эттириш, мусиқа сирларини янада чуқурроқ ўрганиш ва ўз қобилиятини рўёбга чиқариш имконига эга бўладилар.

Бу ерда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази мусиқа ва санъат йўналишидаги 85 мингдан ортиқ адабиёт ва ўқув қўлланмалари, электрон ахборот таълим ресурслари, интернетга уланган компьютерлар билан таъминланган. Компьютер синфлари, лингафон хонаси, физика, кимё ва биология лабораториялари мавжуд. Лицейда 12 йўналиш бўйича мусиқий таълим бериш имконияти яратилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқув жараёнида фойдаланиладиган ноёб мусиқа асбоби – орган ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Юртимизда нафақат миллий мусиқачилик, балки жаҳон мусиқа санъатининг кўплаб йўналишларини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда.

2-бет

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва халқингизга шахсан ўзим ва ватандошларим номидан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида турли жабҳаларда яқин муносабатлар ўрнатилди. Германия келажакда ҳам мамлакатингизни сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш жараёнида ишончли ҳамкор бўлишга тайёр.

2010 йилнинг апрелида «Термиз» аэропортидан фойдаланиш тўғрисида янги битимнинг имзоланиши муносабати билан мамлакатларимиз ҳукуматлари хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги алоҳида шериклик муносабатларини янгилади ва келгусида ҳам биз бу муносабатларни ўзаро манфаатларимиз йўлида қўллаб-қувватлашни истаймиз.

Сизга ва оилангизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига доимий тинчлик, озодлик, хавфсизлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром билан,

**Кристиан ВУЛЬФФ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш, Сизга бахт-саодат, мамлакатингиз халқига фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

**АКИХИТО,**
**Япония Императори**

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# Мустақиллик йилларида Ўзбекистонимиз босиб ўтган тараққиёт йўли

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ана шундай ҳуқуқий пойдевор асосида мамлакатимизда туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди, давлат ва хўжалик бошқарувининг таркибий тузилиши модернизация қилинди ва янгиланди, жойларда ҳокимлик институти жорий этилиб, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизими – маҳалла институти ривожланди ва мустаҳкамланди.

Яна бир тарихий ютуғимиз – диёримизда бозор иқтисодиёти асослари яратилиб, янгича иқтисодий муносабатлар механизмлари жорий этилди, тегишли инфратузилма институтлари ташкил этилди, бугунги талабларга жавоб берадиган мутлақо янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизимлари шакллантирилиб, иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида чуқур ислоҳотлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида юртимизда мулкий муносабатлар соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимизда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланиш имкониятига эга бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизда нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, балки бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини юксалтиришнинг асосий манбаи, аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омилига айланди.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришишдек муҳим стратегик мақсадга эришилди. Мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлашга қаратилган энг замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича кенг кўламли дастурларни изчил амалга ошириш, энергетика, нефтгаз-кимё, рангли металлургия, химия ва тўқимачилик саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология каби юксак технологиялар асосида ишлайдиган, иқтисодий тараққиётнинг локомотиви ҳисобланган тармоқларнинг жадал ривожланиши таъминланмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишда унинг реал секторига инвестицияларнинг кенг жалб этилаётгани, юртимизда экспорт салоҳияти ва экспорт маҳсулотлари ҳажми ортаётгани, ташқи савдо айланмасида ижобий сальдонинг ошаётгани, ташқи қарзлар ҳажмининг кўпайиб кетишига йўл қўймаган ҳолда, олтин-валюта захираларининг барқарор ўсиб бориши таъминланаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўзгаларнинг ҳавасини уйғотаётган бундай иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни янгилаш, демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва бутун мамлакатимизни модернизация қилишда жаҳонда ўхшаши бўлмаган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг жорий этилиши, мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга давлат томонидан катта эътибор берилаётгани улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ижобий маънодаги портлаш эффектига олиб келди.

Бугун ҳеч кимдан кам бўлмай, замонавий билим ва касб-ҳунар асосларини эгаллаб вояга етаётган йигит-қизларимизнинг таълим, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришаётган дастлабки умидбахш ютуқлари буни яққол тасдиқлаб турибди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишга қаратилган давлат дастурлари ва чора-тадбирлар тизими амалга оширилгани ва аҳолини ҳимоя қилиш бўйича кучли ижтимоий сиёсат юритилгани ҳам биз учун олий қадрият бўлмиш инсон манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Албатта, кичик бир мақолада ўтган йиллар давомида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли, том маънода тарихий ишларнинг барчасини санаб ўтиш имконсиздир. Лекин, шу даврда амалга оширилган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларининг, энг муҳим ва салмоқли натижалари ҳақида гапирганда, аввало Шўртан газ-кимё мажмуаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Асака ва Самарқанд автомобиль заводлари, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи каби стратегик саноат объектларини, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари соҳасидаги юзлаб янги корхоналар ва объектларни фахр билан тилга олишимиз табиийдир.

Шулар қаторида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини боғлаб турадиган ягона транспорт коммуникация тизими яратилгани, трансмиллий транспорт йўлаклари ва жаҳон бозорларига чиқиш имконини берадиган 694 километрлик Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ ҳамда 223 километрлик Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиялари, замонавий автомобиль йўллари, "Навоий аэропорти" ва "Ангрен" халқаро логистика марказлари ҳам мустақиллик давридаги бунёдкорлик ишларимизнинг алоҳида ёрқин саҳифасини ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёдаги бошқа бир қатор етакчи молиявий ташкилотлар томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни қувонтиради.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ана шундай ғоят кенг кўламли ишларимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, мамлакатимиз олдида иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, бутун жамиятимизни янгилаш бўйича янада улуғвор вазифалар турганини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Бизнинг пировард мақсадимиз – дунёнинг тараққий топган демократик мамлакатлари қаторидан мустаҳкам жой эгаллаш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашдан иборат экан, эришган барча ютуқ ва марраларимизни мустаҳкамлаб, бу йўлда белни янада қаттиқроқ боғлаб меҳнат қилишимиз талаб этилиши табиийдир.

Ўзининг 19 йиллик мустақил тараққиёти давомида қанчадан-қанча синов ва машаққатлардан ёруғ юз билан ўтган, бекиёс бунёдкорлик салоҳияти билан ўз юртини обод ва фаровон этиб келаётган мард ва меҳнаткаш халқимиз бунга ҳар томонлама қодир экани барчамизга куч-ғайрат ва ғурур, эртанги кунимизга мустаҳкам ишонч бағишлайди.

**(ЎзА)**

# ЖАРАЁН

# Мақсадимиз – ёшларимиз қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборат

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари билан танишди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Санъаткорларимиз, айниқса, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани барчамизга ғурур бахш этади.

– Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборатдир, – деди Президентимиз. – Бу болаларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, замонавий инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Юртимизда маданият ва санъат, жумладан, мусиқа ранг-баранглигини таъминлаш доимий эътиборда. Зеро, otaбоболаримиз асрлар мобайнида миллий санъатимизни тараққий эттириш билан бир қаторда, жаҳон санъатининг илғор намуналарини ижодий ўзлаштирган ва ривожлантирган. Мамлакатимизнинг мусиқий таълим даргоҳларида юртимиз композиторлари қаторида жаҳон классик композиторлари яратган, дунёдаги барча миллатлар ва халқлар севиб тинглайдиган ажиб куй ва қўшиқлар чуқур ўрганилаётгани ва мунтазам таралаётгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада юксак обрў ва эътибор топаётганида иқтидорли ёшларимизнинг хизмати каттадир. Истеъдод эгаларининг баланд парвозида ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсатига айланган муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда биргина мазкур лицей ўқувчилари Франция, Италия, Буюк Британия, Швеция, Греция, Руминия сингари кўплаб давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди.

– Фарзандларимизнинг жаҳон саҳналарида эришаётган бундай улкан муваффақиятлари барчамизга фахр-ифтихор, ғурур бағишлайди, кўнглимизни кўтаради, – деди Ислом Каримов. – Зеро, бу ҳамма халқнинг ҳам, барча миллатлар фарзандларининг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Шундай пайтларда бундан 20 йиллар олдин ўзбек боласининг нуфузли халқаро танловларда иштирок этишини, барчани ҳайрон қолдириб, ҳайратга солишини тасаввур эта олармидик, деган савол хаёлимиздан ўтиши шубҳасиз. Бу ютуқлар мустақиллигимиз самараси эмасми?!

Президентимиз ёш мусиқачиларимизга ҳар доим буюк аждодларимизга муносиб бўлишга интилишлари, буюк халқнинг фарзанди эканликларини чуқур ҳис этган ҳолда саҳнага чиқишлари лозимлигини ва бу улар эришадиган муваффақиятларнинг асосий омили бўлишини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов Тошкентдаги Турин политехника университетига ҳам ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб университет фойесида «Спарк» – Асакадаги автомобиль заводида 2010 йил август ойида ишлаб чиқарила бошлаган янги русумдаги замонавий енгил автомобилни кўздан кечирди. Ушбу автомобиль 81 от кучига эга бўлиб, 100 километрга 5 литр бензин сарфлайди. Конструкцияси янада пишиқ материаллардан тайёрланган. У ўзининг техник тавсифларидан ташқари ички ва ташқи дизайни билан ҳам аввалги моделлардан кескин фарқ қилади.

Президентимиз Ислом Каримов «Спарк» автомобилига ўз имзосини қолдирди.

– Бизга мустақиллик шундай улкан имкониятларни яратиб берди, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Мана шу автомобиллар мисолида биз эзгу ниятларимизнинг ижобатини кўрамиз. Айни пайтда биз миллий автомобиль саноатимизни ривожлантиришда назарий жиҳатлар билан чекланиб қолмасдан, бу борада амалий ишларга устувор аҳамият беришимиз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга қодир мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги қарорига биноан ташкил этилган ушбу олий ўқув юрти 1400 талабага мўлжалланган. Бу ерда машинасозлик технологиялари, автомобилсозлик, саноат ва хўжалик қурилиши, архитектура ва саноат дизайни, саноатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика факультетлари очилган.

Махсус лабораторияларда талабалар двигатель конструкциялари ва технологияларини, деталларни лойиҳалаштиришни, автомобиль йиғишнинг технологик жараёнларини ўрганади. Бевосита ишлаб чиқаришга оид бошқа жараёнлар билан танишади.

Технопарк ҳам талабаларнинг амалий билими, кўникма ва тажрибасини оширишга хизмат қилади. Бу ерда металл қуйиш, унга ишлов бериш, конструкция ва деталларнинг мустаҳкам ва чидамлилигини ўлчаш каби қатор амалиётлар бажарилади.

Ушбу олий ўқув юртида дарслар инглиз тилида олиб борилади. Талабаларга ўзбекистонлик ўқитувчилар билан бирга Турин политехника университетининг етакчи мутахассислари сабоқ беради.

Ўқишдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун талабалар спорт мажмуида футбол, баскетбол, волейбол, кураш, самбо, дзюдо, енгил атлетика, сузиш машқлари ва спортнинг қатор бошқа турлари билан шуғулланиш имконига эга.

Университет билан танишув асносида мамлакатимиз раҳбари инфо-киоскка эътибор қаратди. Эълонлар, дарслар жадвали, университет ҳаётига оид янгиликлар билан мана шу электрон қурилма орқали танишиш мумкин. Талабалар унинг ёрдамида кутубхонадан тегишли китобни олиш учун буюртма бериш имкониятига ҳам эга. Унинг дастури университетнинг ўзида ишлаб чиқилгани диққатга сазовордир.

– Биз ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш баробарида компьютер дастурлари ишлаб чиқишни янада кенгроқ ўзлаштирмоғимиз даркор, – деди Ислом Каримов.

Президентимиз университетдаги ўқув ва амалий таълим жараёнлари билан танишди, талабаларнинг билим ва тажрибасини янада ошириш юзасидан зарур маслаҳатлар берди.

– Тошкентда Турин политехника университетининг очилиши эртанги кунимиз, буюк келажагимиз сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир, – деди мамлакатимиз раҳбари. – Бу даргоҳдан автомобилсозликнинг етук мутахассислари, айни пайтда қатор бошқа муҳим соҳаларда ўз касбининг моҳир усталари бўлган замонавий кадрлар етишиб чиқади. Ўзбекистонда замонавий олий ўқув юртлари кўп. Лекин бу даргоҳ рейтинг жиҳатидан Италияда биринчи ва Европада еттинчи ўринда турадиган Турин политехника университети стандартлари бўйича таълим берадиган ўзига хос ягона таълим масканидир.

Мамлакатимиз раҳбари дунёнинг атиги 18 мамлакатида енгил автомобиллар учун двигателлар тайёрланишини, General Motors корпорацияси билан ҳамкорликда юртимизда барпо этилаётган мотор заводи ишга тушиши билан Ўзбекистон ҳам бу давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишини таъкидлади.

Туриндаги университет ҳузурида Fiat, GM, Alltalia, Compaq, Ferrari, IBM, Michelin, Microsoft, Motorola, Nokia, Philips, Pirelli, Siemens каби йирик корпорацияларнинг технопарклари мавжуд. Демак, Тошкентдаги университет талабалари уларнинг тажриба ва ишланмалари, ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу нафақат автомобилсозлик, балки саноатнинг юқори технологияли бошқа тармоқлари ва дизайн соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан ўзимнинг самимий табрикларимни изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги яқин ва дўстона муносабатлар умумий тарихий ҳамда маданий меросга асосланади. Биз Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларимизни юксак қадрлаймиз. Ишончим комилки, кўп томонлама алоқаларимиз келажакда ҳам ривожланиб, янада мустаҳкамланиб бораверади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига чин дилдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

**Пратибхи Девисингх ПАТИЛ,**
**Ҳиндистон Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутлов ва табрикларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий яқин ва дўстона муносабатлар изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳамкорлигимиз кўплаб соҳаларни қамраб олган. Ҳиндистон икки томонлама муносабатларимизни янада ривожлантириш тарафдоридир.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

**Манмохан СИНГХ,**
**Ҳиндистон Бош вазири**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ, Сизга сиҳат-саломатлик тилайман.

**Каролос ПАПУЛИАС,**
**Греция Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан Болгария халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз, дўст ўзбек халқига эса тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Болгария Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларни чуқурлаштиришдан манфаатдор эканини ҳамда Европа иттифоқи билан мамлакатингиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро ҳамжиҳатликни кенгайтиришга кўмаклашишга тайёр эканимизни яна бир бор таъкидлашни истайман.

Шахсан Сизга сиҳат-саломатлик, ўта масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман, муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Георги ПЪРВАНОВ,**
**Болгария Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Азиз биродарим!

Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини миллий байрам – Мустақиллик куни билан шахсан ўзим ва Туркия халқи номидан самимий табриклайман.

Халқларимиз ўртасидаги самимийлик ва биродарлик туйғулари юз йиллар мобайнида шаклланган муштарак тарихимиз ва маданиятимизга асосланади. Ишончим комилки, ушбу ўзаро дўстлик ва биродарлик туйғулари давлатларимиз ўртасидаги энг катта бойлик – ҳамжиҳатлик ва бирдамликнинг, шунингдек, халқларимизнинг озод ва фаровон келажагининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Минтақанинг етакчи давлатларидан бири бўлган Ўзбекистон билан барча жабҳалардаги муносабатларни мустаҳкамлаш Туркия учун стратегик аҳамиятга эга.

Сизнинг оқилона раҳнамолигингизда Ўзбекистон Марказий Осиёда ва халқаро миқёсда хавфсизлик, барқарорлик ва тинчликни таъминлашга улкан ҳисса қўшаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, Сиз, Жаноби Олийларини турк тилида сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг 2010 йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Истанбул шаҳрида бўлиб ўтадиган саммитида қутлашдан ғоят мамнун бўлур эдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

**Абдулла ГУЛ,**
**Туркия Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқини самимий табриклашга ижозат этгайсиз.

Умид қиламанки, бизнинг ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатларимиз давлатларимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Парвардигордан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига тинчлик-осойишталик ва бахт-саодат ато этишини тилайман.

**Маҳмуд АҲМАДИНЕЖОД,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти**

# ПАРЛАМЕНТ

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент
Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан Сингапур халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий ва энг эзгу тилакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Сизнинг доно раҳбарлигингизда бундан буён ҳам изчил ривожланиб бораверади. Умид қиламанки, Сиз, Жаноби Олийлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстона алоқалар ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлигимиз давом этаверади.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, улкан муваффақиятлар тилайман.

Самимий эҳтиром билан,

**Селлапан Рам НАТАН,**
**Сингапур Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг қутлуғ санаси муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Биз халқларимизни асрлар давомида боғлаб турган дўстлик ва қўшничилик ришталарини қадрлаймиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бой салоҳиятидан фойдаланиш учун бор кучимизни сарфлашга тайёрмиз.

Ишончим комилки, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик бундан буён ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида изчил ривожланаверади.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига фаровонлик, тинчлик-хотиржамлик тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

**Имомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан чин дилдан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг ривожланиш моделини изчил амалга ошириб, кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бориб, юксак натижаларга эришди ва жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Қирғизистон бундан буён ҳам Қирғизистон-Ўзбекистон ҳамкорлигини яқин қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва очиқлик принциплари асосида янада самарали ривожлантириш ва кенгайтириш тарафдори бўлиб қолишини таъкидлашга, бу борада Сиз кўрсатаётган саъй-ҳаракатлар учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, чин дилдан сиҳат-саломатлик, ўта масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

**Роза ОТУНБОЕВА,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистоннинг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Грузия билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги анъанавий самимий ва дўстона муносабатлар келгусида ҳам халқларимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланаверади.

Сизнинг оқилона раҳнамолигингизда қардош Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб, халқаро нуфузини юксалтирган ҳолда эришаётган муваффақиятларни барчамиз юксак қадрлаймиз.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, чин дилдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ўта масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Михаил СААКАШВИЛИ,**
**Грузия Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Молдова Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши бундан буён ҳам давлатларимизнинг барқарор ривожланиши учун янгидан-янги имкониятлар яратишига қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, ўта масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Сизга билдираётган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Михай ГИМПУ,**
**Молдова Республикаси Президенти**
**вазифасини бажарувчи**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Фаластин халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш ва қардош Ўзбекистон халқига байрамни катта шодиёналар билан нишонлаш тилагини билдириш менга улкан мамнуният бахш этади. Ушбу муҳим сана халқингизга эзгулик, фаровонлик ва барқарорлик олиб келсин.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайман. Халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари янада мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин!

Камоли эҳтиром ила,

**Маҳмуд АББОС,**
**Фаластин Озодлик Ташкилоти**
**Ижроия Қўмитаси Раиси,**
**Фаластин Миллий Маъмурияти Раиси**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатингиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан чин дилдан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Корея Халқ Демократик Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам мамлакатларимиз халқлари манфаатлари йўлида янада ривожланаверишига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Сизга чин дилдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва ўта масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**Ким Ен НАМ,**
**Корея Халқ Демократик Республикаси**
**Олий Халқ Йиғини Президиуми Раиси**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**Шу йил 28-29 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Мазкур масалани кўриб чиқиш асносида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида қабул қилинаётган амнистия акти инсонпарварликнинг яна бир ёрқин далили бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари давлатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ислоҳотларнинг олий қадрияти, мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

Амнистия актида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори билан аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар, чет давлатларнинг фуқаролари, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларни (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этиш мўлжалланган, шу билан бир қаторда Сенат Қарорида жазодан озод қилинадиган яна бир неча тоифадаги шахслар назарда тутилган, амнистия акти татбиқ этилмайдиган шахслар доираси ҳам белгилаб қўйилган.

Сенат ўз қарори билан амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланиш тартибини белгилаб берди, унда амнистия бўйича жазодан озод этиладиган шахсларга доир ишлар ва материалларнинг судлар томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомили ўрнатилмоқда. Шу билан бирга амнистия актининг қўлланишида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкораликни таъминлаш учун сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили минтақавий вакилларининг фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига қаратилган чоралар мажмуини амалга ошириш, уларнинг тўлиқ ҳисобга олинишини ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш кўзда тутилмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасини янада такомиллаштиришга, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга, шунингдек, ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқишга киришдилар. Бундай қонунлар жумласига «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни киради.

Ушбу қонун ҳужжати болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг, шунингдек, ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёш авлод учун масъулиятини оширишга қаратилганлиги таъкидланди.

Қонуннинг алоҳида нормаларида маданият ва спорт муассасаларининг, туризм соҳаси ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этиши тартибга солинмоқда, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартиби белгиланмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони асосида ишлаб чиқилган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга даъват этилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила, Солиқ кодексларига ва бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси номидан давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар томонидан амалга оширилиши тартиби белгиланишини назарда тутади. Бу фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга ёрдам беради.

Қонун, шунингдек, нотариусларга қўйиладиган малака талабларини кучайтиришни, нотариуснинг малакасини мажбурий ошириш тизимини жорий этишни, нотариал идораларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар олдига қўйиладиган талабларни белгилашни, фуқароларнинг нотариус олдига киришини таъминлаш чораларини назарда тутади.

Ялпи мажлисда «Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Бунда сенаторлар ушбу Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон билан хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида жиноят ишлари, шу жумладан айбланувчиларни ушлаб бериш ва жиноий таъқиб қилиш, жиноятлардан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш борасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга ёрдам беришини кўрсатиб ўтдилар. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Сенаторлар «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган бошқа бир қатор ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ илгари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими зиммасида бўлган вазифалар ҳамда пенсия таъминотига доир масалаларнинг бутун мажмуи учун, жумладан пенсиялар, ижтимоий нафақалар, харажатларни қоплаш пуллари ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаш, ҳисобга олиш ҳамда тўланишини мониторинг қилиш учун жавобгар бўлган тегишли тузилмалар, шунингдек, врачлик-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибидан олиниб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ихтиёрига ўтказилган.

Шу муносабат билан сенаторлар томонидан маъқулланган Қонун билан «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган Фармонига мувофиқ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмаси ташкил этилган бўлиб, унинг ваколатларига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари киритилган. Сўзга чиққан сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазифасининг давлат органидан нодавлат ташкилотга ўтказилиши Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида катта иш олиб борилаётганлигининг ёрқин намуналаридан биридир. Шу муносабат билан сенаторлар томонидан маъқулланган Қонун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси сингари қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритишни назарда тутмоқда.

Сенаторлар «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178[1]-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, ушбу Қонун инсофсиз ва яширин рекламани амалга ошириш ҳолларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш механизмларини такомиллаштириш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий чораларини кучайтириш, реклама материалларини тарқатишда одоб-ахлоқнинг умумэътироф этилган нормаларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Чунончи, Қонунда ташқи рекламани жойлаштириш тартибини бузганлик ва реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар (ишлар, хизматлар) рекламасини тарқатганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик ҳамда бир қатор ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ушбу Қонуннинг қабул қилиниши баркамол авлодни тарбиялаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга ёрдам беришини таъкидладилар. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Шундан сўнг сенаторлар «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши ва ишлатилишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини намойиш этган ҳолда маданий-томоша тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилаётган қўшимчалар пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, сақлаганлик, ташиганлик, жўнатганлик, улардан фойдаланганлик, худди, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирганлик (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиққанлик) ёки сотганлик учун ҳуқуқбузарлик буюмларини мусодара қилиш билан бирга жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиламоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январда қабул қилинган «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Қонун солиқ маъмуриятчилигининг шакллари, усуллари ва механизмлари, мамлакат солиқ органларининг фаолияти янада такомиллаштирилишини таъминлайди.

Ушбу Қонун билан хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларини бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ҳамда солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича суриштирув органлари рўйхатига киритиш билан боғлиқ қўшимча киритилмоқда. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар гаров билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда кредиторларнинг манфаатларини муҳофаза қилишга, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини бир-бирига мувофиқлаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қаноатлантиришда бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартишлар киритилди.

«Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида Қонуннинг асосий мақсади баҳолаш фаолияти тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва айрим қонун ҳужжатларини «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мослаштиришдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Киритилаётган ўзгартишлар ягона ҳуқуқни қўлланиш амалиётини ўрнатиш мақсадида баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини уйғунлаштиришни, тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг яхлитлиги ва тизимлилигига эришишни назарда тутади. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Мажлисда кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритилган «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги ва «Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги масалаларни кўриб чиқдилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Икки кунлик ялпи мажлис мобайнида ўн тўққизта масала, шу жумладан ўн иккита қонун кўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Сенатининг**
**Матбуот хизмати**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарор – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарорнинг 1-банди – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарорнинг 1-4, 6 ва 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарорнинг 4-6-бандлари муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И.Собиров**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 август

ДАСТУР — АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. Мазкур қонун 2008 йил 1 январдан кучга кирди ва мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган эътиборни янги босқичга кўтарди. У бола ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда кафолатлашга доир халқаро талаб ва андозаларга тўлиқ мос келади.

## Миллат келажаги

### баркамол авлод қўлида

Қонуннинг асосий вазифаси бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатлар, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларида белгиланган халқаро андозалар билан уйғунлаштириш, боланинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш кафолати ва ҳимоясини белгиловчи ягона қонунчилик воситасини шакллантириш, болаларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатларини янада кучайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича етарли тажриба мавжуд. Амалдаги қонунчиликда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган. "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги тадбирлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши кўрсатиб ўтилган.

Бола ҳуқуқлари унинг туғилишидан аввал пайдо бўлади. Шу боис мамлакатимизда гўдакнинг, аввало, соғлом туғилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. "Соғлом она – соғлом бола" тамойилига амал қилган ҳолда туғиш ёшидаги аёллар соғлигини янада мустаҳкамлашга бўлган эътибор тобора кучайтирилмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил 27 январда қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларни ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш адлия идораларининг алоҳида эътиборида бўлмоқда. Жумладан, Бекобод туманида яшовчи фуқаро Э.Маҳмудовнинг вояга етмаган жиянлари Д.Қамбаралиева ва А.Маҳмудовни ўз қарамоғига олишдаги тўсқинлик юзасидан келиб тушган аризаси ўрганиб чиқилиб, қонунбузилиш ҳолатлари тўлиқ бартараф этилди. Яъни, болаларнинг васийлик ва ҳомийлик масаласи ҳал этилиб, Сирдарё ва Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарлари номига тақдимнома киритилди. Шунингдек, Бекобод тумани халқ таълими мудири Ў.Эралиев ҳамда васийлик ва ҳомийлик ишлари бўйича назоратчи М.Мирзааҳмедов маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган "Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини таъқиқлаш ва уни йўқ қилишга доир зудлик билан кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги, БМТнинг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши" Конвенцияни тўлдирувчи "Одам савдоси, хусусан хотин-қизлар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида"ги Баённомани ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури доирасида режалаштирган масалалар қаторида болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир факультатив баённома, болаларнинг қуролли низоларда иштирокига тааллуқли бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир факультатив Баённоманинг киритилганлиги бежиз эмас.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлардан кўзланган мақсад аниқ: миллат келажаги баркамол авлод қўлида. Зеро, олдимизда турган энг эзгу мақсад – мамлакатимизнинг буюк келажаги, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ўзбекистоннинг келгусида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши ўсиб келаётган фарзандларимизнинг баркамол бўлиб улғайишига боғлиқ.

**Иброҳим ХАТАМОВ,
Тошкент вилояти
адлия бошқармаси
бўлими бошлиғи**

31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

# Фидойи аждодларга муносиб эҳтиром

Тарих — миллатнинг ҳақиқий тарбиячиси. Ҳар бир миллат ўз тарихини билиши замирида теран маъно мужассам. Шу боис Истиқлол бизга ҳаққоний тарихимизни ўрганиш, билиш ва рўёбга чиқариш имконини берди.



*Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас.*
**Ислом КАРИМОВ**

Истиқлол туфайли тарихий адолат қарор топди, тарихга муносабат ўзгарди. Топталган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Азиз-авлиёларимизнинг муборак қадамжолари обод гўшаларга айлантирилди. Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо этган юртдошларимиз руҳини шод этиш, номларини абадийлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

1999 йил 12 май куни Юртбошимизнинг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасидаги Фармойиши эълон қилинди. Орадан кўп ўтмай, ўша йилнинг 22 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. 2001 йил 1 май куни Президент Фармони билан "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" таъсис этилди, шунингдек, "Шаҳидлар хотираси" мажмуида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи барпо этилди.

– Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган ёдгорлик мажмуи ва музейи айнан шу жойда – кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этилиши бежиз эмас,- дейди тарих фанлари доктори, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раёсати раиси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори Бахтиёр Ҳасанов. – Қатағон йилларида одамлар юрагида мудҳиш из қолдирган бу кўримсиз жарлик – Алвасти кўприк, деб совуқ ном олган. Айни шу жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган. Истиқлол туфайли ва Президентимиз ташаббуси билан бу ерлар таниб бўлмас даражада ўзгартирилиб, зиёратгоҳга айлантирилди, ҳаққоний ўтмишимизни англатадиган музей ташкил қилинди. Мустамлакачилик даврида озодлик йўлида курашгани учун жисман йўқ қилиниб, номи қораланган фидойи аждодларимиз хотираси абадийлаштирилди.

Қўшгумбазли музей "Шаҳидлар хотираси" майдонининг марказида жойлашган. Музей биноси миллий услубда бунёд этилган. Бинони ёғоч ўймакорлиги усулида дид билан ишланган 42 та устун ва эшиклар суяб турибди. Музейнинг учта кўргазма зали мавжуд. Мустамлакачилик даври сиёсати оқибатлари акс этган 1 ва 2 зал экспозиция мазмунига мос равишда қорамтир рангда, истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз акс этган учинчи зал ёрқин ранглар билан безатилган.

Музейда қатағон қурбонлари орасида бир неча аёлларнинг ҳам суратига кўзингиз тушади. Уларнинг ҳолатига ҳайрат билан тикилганимизни кўрган Бахтиёр ака Ҳасанов дарров изоҳ берди:

– Бу ҳолат "Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади", деган халқ мақолини эслатади. Бу мудҳиш қатағондан аёллар ҳам четда қолмаган. Қатағон қурбони бўлганларнинг турмуш ўртоғи, онаси, опа-сингиллари, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ҳам қатағоннинг аччиқ таъмини тотган. Улар орасида истиқлол ва юрт озодлиги учун курашган маърифатли аёлларимиз ҳам бўлган. Мустабид тузум уларни ҳам хибсга олиб, оғир тартибли қамоқхоналарда сақлаган.

Бу ердаги бугунги ҳолатни кўриб, бир пайтлар мана шу ерлар чакалакзор, жарлик ва ботқоқликдан иборат бўлиб, инсонлар қалбига қўрқув солганига ишонгингиз келмайди. Боиси, айни шу ерда қад ростлаган "Шаҳидлар хотираси" майдоніи ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ҳар куни зиёратчилар билан гавжум.

– Музей билан танишар экансиз, мана шундай муборак кунларда, муқаддас жойларда туриб, беихтиёр бугунги тинч-осуда ҳаёт ва бу кунларнинг қадрига етиш лозимлиги ҳақида ўйлаб қоласан,- дейди Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидан зиёратга келган Даврон Абдураҳмонов. – Музей кўргазмалари орасида, айниқса, мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, маънавиятимиз ва тарихий обидаларимизни асраб-авайлаш йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи экспонатлар менда катта таассурот қолдирди.

Бу ерга келган зиёратчилар тинч-осуда ўтаётган кунларимизга шукрона келтиради. Соғ-саломат камолга етаётган фарзандлари бахтини кўрган оналар чеҳрасига табассум югуради. Хаёлан тарихнинг қоронғу кўчаларига назар ташлаган ёшлар тинчлик ва истиқлол нақадар улуғ неъмат эканини англайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жунбушга келади.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири**

БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Юртимиз истиқлолининг
19 йиллик
байрами барчамизга қутлуғ бўлсин!



Ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, янги-янги зафарлар истаб қоламиз!

УЧРАШУВ

# Ўзбекистон спортчилари – дунё жамоатчилиги эътирофида

ФИФА рефереси Равшан Эрматовни ЎзМТДП сафига қабул қилишга бағишланган тадбирда бу сўзлар бот-бот такрорланди



ЎзМТДП Яккасарой туман кенгаши томонидан «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида ўтказиладиган тадбирни ёритиш мақсадида ушбу манзил томон йўл олдим. Очиғи, олдинда нималар кутаётгани ҳамда ушбу маскан қаерда жойлашгани менга қоронғу эди. Айтилган мўлжалга етиб бориб, аниқ манзил ҳақида бир-икки йўловчидан сўрадим. Улар елка қисишдан нарига ўтолмадилар. Шунда ёнимдан эгнида футболчилар кийимини кийиб, копток қучоқлаб олган чамаси 11-12 ёшлардаги икки нафар бола бир-бирини шошилтирганча ўтиб қолди. Уларнинг суҳбати диққатимни тортди.

— Тезроқ юрайлик,- дерди бири иккинчисига қараб, — Равшан акамлар кетиб қолмасин. Коптогимга дастхат ёздириб олмоқчиман.

— Мен эса футболкамга ёздираман.

Улар демак ўша тадбирга кетишяпти, деган фикрга келиб, мен ҳам ортларидан юрдим.

— Болалар, айтолмайсизлармиэ «Қушбеги» спорт мажмуаси қаерда жойлашган?

— Юринг биз билан. Сиз ҳам Равшан Эрматов билан учрашувга кетаяпсизми?

— Равшан Эрматов?! Ким у?- худди ўзбекистонлик ФИФА рефереси номини биринчи марта эшитгандай болаларга ажабланиб қарадим. Улар бу ясама таажжубимдан ҳайратланганча, «...наҳот Тошкентда Эрматовни танимайдиган одам бўлса», дегандай бирбирига қараб олишди-да, кейин шошганча йўларида давом этишди.

Ҳа, Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида бўлиб ўтган XIX Жаҳон чемпионатида одил, тажрибали ҳакам сифатида шухрат қозониб, юртимиз довруғини жаҳонга таратган ватандошимиз, ФИФА рефереси Равшан Эрматовни бугун нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё тан олиб, таниди.

Шунингдек, дунё ОАВлари Юртбошимиз томонидан спортга, келажак авлодга берилаётган эътибор ва бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатини бот-бот эътироф этишди.

Юртимиз ифтихори бўлмиш Равшан Эрматов билан пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган "Қушбеги" болалар спорт мажмуасида 11-12 ёшли болалар ўртасида туман очиқ чемпионатининг финал босқичи баробарида учрашув ҳамда ФИФА рефересини ЎзМТДП сафига қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ҳамда мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган "Мустақил Ўзбекистон спортчилари — дунё эътирофида" номли мазкур тадбир ЎзМТДП Юнусобод ва Яккасарой туманлари кенгашлари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари, спорт ишқибозлари, туман биринчилигида иштирок этувчи жамоалар, шунингдек, ОАВ ходимлари қатнашдилар.

Тадбир бошланаркан, ёш спортчилар мундиал қаҳрамонини жўшқинлик билан кутиб олдилар. Уларнинг қарсагу қийқириқлари бир мунча чўзилди. Шундан сўнг давлатимиз мадҳияси янгради. Болалар қўлини кўксига қўйиб мадҳиямизни тинглашаркан, улар қалбида шубҳасиз фахр, ғурур ҳамда қаршисидаги спортчи тимсолида Ўзбекистон спортчилари порлоқ келажагига ишонч ҳисси жўш урди.

Учрашувда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғофур Маматов, партия Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Рустам Қосимов ҳамда спорт фахрийси, таниқли журналист Ахбор Имомхўжаевлар Равшан Эрматовни "Ўзбекистон ифтихори" унвони билан табрикладилар. Унинг эришган ютуғи ҳар бир ўзбек хонадони, миллионлаб футбол мухлисларига оламолам қувонч бағишлаганини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, ёшларни Президентимиз бошчилигида спорт соҳасида яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келгусида юртимизнинг довруғини дунёга танитадиган Равшан Эрматов каби ўғлонлар сафидан жой олишга чорладилар.

Шундан сўнг ФИФА рефереси Равшан Эрматовга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзолик гувоҳномаси тантанали равишда топширилди:

— Бугун мамлакатимиз сиёсий майдонида фаолият олиб бораётган сиёсий кучлар орасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, иқтидорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ушбу партияга нисбатан хайрихоҳлигимни оширди,- деди Р.Эрматов. — Бугунги учрашув давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тадбирнинг мақсади ҳам менда ана шундай тасаввур уйғотди. Бундай эзгу ишларни амалга ошираётган партия сафига кирар эканман, келгусида албатта Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, юртимиз довруғини янада оширишга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Учрашув сўнггида финал босқичига старт берилди. Қушбеги ва Сергели жамоалари ўйинини бошқаришни ҳакамларга ФИФА рефереси бошлаб берди.

Ғолибларга партиянинг фахрий ёрлиғи ва совғалари топширилди.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ФАОЛИЯТ

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗМТДП НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Юртдошларимизни Энг улуғ, энг азиз байрам -

мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан табриклайди.



Юртимиз тинч, халқимиз дастурхони тўкин, Ватанимиз келажаги порлоқ бўлсин!

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗМТДП ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ

Халқимизни истиқлолнинг 19 йиллик байрами билан қутлайди!



Сиз азизларга она - Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек хайрли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.

ТАДБИР

# Истиқлол берган имкониятлар – келажагимиз кафолати

Айни пайтда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 30 июнда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига биноан "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" эзгу ғояси остида ишлаб чиқилган ЎзМТДПнинг тадбирлар Дастурини амалга ошириш қизғин давом этмоқда.

Жумладан, ана шу эзгу ғоя остидаги яна бир тадбир яқинда ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва Шайхонтоҳур туман кенгашлари томонидан Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Шайхонтоҳур туман кенгаши билан ҳамкорликда **"Истиқлол берган имкониятлар-келажагимиз истиқболи кафолатидир"** мавзусида ўтказилди.

Тадбир Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотида фаолият олиб бораётган тўгараклар аъзоларининг ижод маҳсуллари кўргазмаси билан бошланди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда ташкилот қошида мавжуд "Автомодел", "Ракетамодел", "Авто кўп кураш" ва "Ҳарбий кўп кураш" тўгаракларида кўплаб ёшлар Ватан ҳимояси учун зарур бўлган мудофаа асосларини ўрганиб, спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Кўргазмада намойиш этилган ёшларнинг кичик ихтиролари эса ана шу қулайликлар ва эътиборнинг меваси эканлигини кўрсатди.

Шундан сўнг, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мусаллам Умирова тадбирнинг асосий қисмини очди ва унинг мақсад-вазифаси ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деди:

- Бугун ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Боиси, юртнинг эртанги куни комил, юксак салоҳиятли авлод қўлида. Ёшлар тарбияси билан боғлиқ ушбу эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш эса ЎзМТДП олдидаги доимий мақсад ва вазифалар сирасига киради. Ушбу тадбир ҳам ЎзМТДП Дастури ва "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, "Ватанпарвар" ташкилотидаги мавжуд тўгараклар ва уларнинг моддий-техник базасини ўрганиш, у ерда таҳсил олаётган ёшлар томонидан яратилган кашфиётлар билан танишиш, пировардида уларнинг ижодий ишларини юзага чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, маърузачи Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгашида тузилган партиянинг бошланғич ташкилоти фаолиятига ҳам қисқача тўхталди.

Тадбирда сўз олган ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси девони мафкуравий масалалар бўлими бошлиғи Рустам Рашидов ЎзМТДП аъзоларининг 48 фоизини ёшлар ташкил қилишини таъкидлар экан, айни чоғда партия ўз ғоя ва мақсадларидан келиб чиқиб, ёшларни давлат бошқарувидаги ролини ошириш, сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва шу орқали жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиш, улар орасида яратувчанлик, бунёдкорлик ғояларини илгари суриш, соғлом турмуш тарзини яратиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлар кўламини кенгайтираётганига иштирокчилар эътиборини қаратди.

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз мудофааси, миллий армиямизни мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларига доир қизиқарли савол-жавоблар, жонли мулоқотлар тарзида ўтган тадбир сўнггида бир гуруҳ ёшлар ЎзМТДП сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

**Умурзоқ ҲАМДАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

**ФОРУМ**

## “Мустақиллик — олий саодат”

### мавзусида ўтказилган форум қорақалпоғистонлик хотин-қизларни ушбу эзгу ғоя атрофида бирлаштирди

Мустақиллик шарофати туфайли халқимизнинг узоқ ўтмиши, азалий қадриятлари, барҳаёт анъана ва урф-одатлари, миллий ҳунармандчилик асос-



Ота-боболаримизнинг бой маданий меросини ўрганишга, улар орқали халқимизнинг ўзлигини англашига имкон туғилди. Истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган инсон қадри, айниқса, аёлни улуғлаш, унга чексиз ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш каби олийжаноб фазилатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётдан мустаҳкам ўрин олди ҳамда давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугун ҳаётимизнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг муносиб ўрин эгаллашлари, уларнинг истеъдод, билим, тажриба ва орзу интилишларини рўёбга чиқариш борасида барча шароитлар яратилиб, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, жамиятда уларнинг ўрни ва нуфузи ошиб бормоқда. Зеро, жамиятда илғор фикрли, маънавий камолот чўққисига эришган аёллар кўпайса, миллатнинг, шу билан бирга давлатнинг ҳам салоҳияти юксалади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Аёллар қаноти” ҳам партия ғоя ва мақсадлари ҳамда сайловолди Ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлайди. Бунинг амалий кўриниши эса турли соҳаларда меҳнат қилаётган истеъдод эгаларини аниқлаш, уларнинг иқтидорларини рўёбга чиқариш, ақл-заковатини улуғвор ва эзгу ишларга йўналтириш, келажакда оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, маънавий қадриятлар, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш, шунингдек, бандлик масалаларини ҳал этиш борасида партия томонидан изчил равишда ўтказиб келинаётган тадбирларда намоён бўлади. Ушбу тадбирларга назар ташлайдиган бўлсак, аёлларнинг сиёсий онги, дунёқарашини ўстиришга хизмат қилаётгани ва ноанъанавийлиги, мавзуларнинг долзарблиги ҳамда ЎзМТДП Дастуридан келиб чиққанлиги билан кенг жамоатчиликни ўзига жалб этмоқда. Натижада нафақат вилоят, туман, шаҳарларда, балки чекка қишлоқларда яшайдиган хотин-қизларнинг ҳам партия фаолиятига қизиқиши, ғоя ва мақсадларига интилиши ортмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, ЎзМТДП хайрихоҳлари ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда “Аёллар қаноти” сафидаги хотин-қизлар сони партия аъзоларининг 52,7 фоизини ташкил этади.

Хусусан, ана шундай йўналишдаги тадбирлардан бири сифатида ЎзМТДП Марказий Кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан Энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳисобланган Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб жойларда ташкил этилаётган “**Мустақиллик – олий саодат**” мавзусидаги минтақавий форумни эътироф этишимиз мумкин.

Яқинда ушбу форум ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Нукус шаҳрида ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий Кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари депутатлари, партия фаоллари, Республикаси “Ҳунарманд” уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ходимлари, партия электорати ҳисобланган ҳунармандлар иштирок этдилар.

Дастлаб, қўлигул ҳунарманд аёлларнинг миллий урф-одат ва анъаналаримизни акс эттирувчи халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Қорақалпоқ миллий либослари, каштачилик намуналари, қадимда ота-боболаримиз томонидан кундалик ҳаётда фойдаланилган жиҳозлар, қадимий қорақалпоқ созандалик асбоблари намойиши, ёш истеъдодли бахши қизларнинг чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реимов форумни очар экан, ҳудудда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Бугунги кунда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан чекка қишлоқ ва овулларда истиқомат қилувчи ишсиз хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш, уй шароитида касаначилик билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратиш орқали оилаларини моддий таъминлаш, пировардида уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига эришиш мақсадида бепул ўқув-курслари ташкил этилмоқда. Жумладан, шу йилнинг май ойида барча шаҳар ва туманлардан келган 50 дан ортиқ хотин-қизларга миллий ўйинчоқ ва қўғирчоқларни ясашни ўргатиш бўйича бир ҳафталик бепул ўқув машғулотлари олиб борилди. Шунингдек, йил давомида Республика “Ҳунарманд” уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси билан ҳамкорликда 60 дан ортиқ аёлларга қорақалпоқ миллий каштачилик ҳунари ўргатилди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Арслон Эшмуродов, Улуғбек Жалменов ва Жамила Ниязовалар сўзга чиқиб, Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 19 йиллиги билан барчани қутлаш баробарида бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинч, осуда ҳаёт ва фаровон турмушнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва мустақилликни мустаҳкамлашда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта эканлигини айтиб ўтдилар. Шунингдек, депутатлар ЎзМТДП томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда хотин-қизларнинг ролини янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлашди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Роза Қутекеева, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Дарибай Хожабергенов ва Бегис Темирбаев, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари Рашит Хожасов ва Гулноз Утепова ҳамда “Айқулаш юлдузлари”, “Ҳурлиман” ва “Гулзор” фольклор-этнографик ансамбллари ўз концерт дастурларини намойиш қилишди.

Форум доирасида партия сафида туриб, турли жабҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ижодий ишларини кенг оммага намойиш этиш, истеъдод эгаларини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Энг ёш истеъдодли шоира”, “Энг моҳир қадимий мусиқа ижрочиси”, “Энг моҳир миллий либос дизайнери”, “Энг жозибали миллий рақс ижрочиси”, “Энг моҳир миллий қўшиқ ижрочиси”, “Энг ёш истеъдодли бастакор”, “Энг ёш ҳунарманд”, “Миллийликни тасвирловчи энг ёш мусаввир”, “Энг моҳир спортчи”, “Миллийликни тарғиб этган энг яхши тележурналист”, “Миллийликни тарғиб этган энг яхши матбуот журналисти” ва “Энг фаол музей ходими” каби бир қатор номинациялар бўйича эълон қилинган танлов ғолиблари аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш, хотин-қизларни ташаббускорликка чорлаш ва энг асосийси, партия фаоллари ҳамда унинг хайрихоҳларини “**Мустақиллик — олий саодат**” эзгу ғояси атрофида бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилган форум иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Зияда ЕРНИЯЗОВА,**
**ЎзМТДП Хўжайли туман кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари:**

—Хотин-қизлар оила мустаҳкамлигини таъминловчи, баркамол авлодни тарбиялаб берувчи, бир сўз билан айтганда жамиятимиз таянчи ҳисобланади. Уларнинг барча жабҳалардаги фаоллиги мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига ҳисса қўшади. Зеро, бугунги форум ҳам хотин-қизларни жамиятимизнинг энг илғор сафида туриб меҳнат қилиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашига ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

**Шайдо ЯКУБОВА,**
**партия фаоли:**

— Бугунги форумда турли соҳаларда меҳнат қилаётган фаол хотин-қизларимизнинг ижод намуналари намойиш этилиши, меҳнатлари эъзозланиб, рағбатлантирилиши келгусида уларни бундан ҳам яхши натижаларга эришишга руҳлантиради. Бу каби тадбирларнинг кўплаб ўтказилиши партия ғоясига хайрихоҳлар сафи ортишига олиб келиши шубҳасиз.

**Эльвира ҚАЗАҚБАЕВА,**
**“Энг моҳир миллий либос дизайнери” йўналиши ғолиби, “Аёллар қаноти” фаоли:**

— Бугунги форумда мен янгича услубда, яъни миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда яратган либосларим билан иштирок этаяпман. Бундай кўргазма ва форумларда иштирок этиш мен каби ёшларга ўз ижод намуналарини намойиш этиш ва шу соҳада фаолият юритаётган тенгдошлари ижодлари билан танишиш, тажриба алмашиш имкониятини беради.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**Айнура УТЕНИЯЗОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбирлари**







**ТИББИЙ ХИЗМАТ**

Йил бўйи меҳнат қиласиз, югур-югурлар, иш билан саломатлигингизга ҳам эътибор беролмайсиз, қўлингиз тегмайди-да. Аммо ишингиз бошингиздан ошиб-тошиб ётган тақдирда ҳам даволаниш, саломатлигингизни тиклаб олиш учун вақт ажратишингиз керак. Замонамизнинг энг илғор тиббиётчиларининг фикри бу! Саломатлигимизни тиклаш, яхши ҳордиқ чиқариш учун эса сўлим сиҳатгоҳларга етадигани йўқ.

# Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо кетмаган

## "Турон" сиҳатгоҳи ҳақида самимий сўзлар



**Мансур АЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими**

Сўнгги йилларда оиламиз билан гўзал пойтахтимизнинг шундоққина этагида жойлашган "Турон" санаторийсида даволаняпмиз. Жонажон шаҳримизда қад ростлаган "Турон" санаторийси чет элдаги номдор сиҳатгоҳлардан ҳеч ҳам қолишмайди. У қулай географик ҳудудда бино этилган: сиҳатгоҳ денгиз сатҳидан 400 метр баландликда жойлашган. Санаторий дарвозасидан ҳатлашингиз билан замонавий бинолар, ораста, озода ва кўркам йўлак, сўлим табиий муҳит эътиборингизни тортади, йўқ, йўқ сизни бамисли сеҳрлаб олади. Шаҳарнинг шовқин-суронли кўчасидан буткул бошқа оламга тушиб қолгандек бўласиз. Қуюқ дарахтзор бағрида бунёд этилган маскан баҳаволиги билан кайфиятингизни кўтаради. 9 гектар майдонни эгаллаган санаторий ҳудудида беш мингдан зиёд дарахт, ўттиз турдан зиёд анвойи гуллар мавжуд. Кўкка бўй чўзган серсавлат дов-дарахтлар (улар орасида бир неча асрни кўриб қўйган кекса дарахтлар ҳам бор) бағрида дам олиш, дилдан суҳбатлашиш, яқинлар билан дийдорлашиш учун ўриндиқлар қўйилган, сайру саёҳат учун махсус майдончалар ва йўлаклар бунёд этилган. Йўлаклар четида кета-кетгунча гуллар ўтқазилган, чаманзор бўйлаб юрсангиз, ўз-ўзини кўз-кўз қилаётган, ранго-ранг товланаётган товусларга дуч келасиз. Мана шундай гўзал табиий муҳитда ҳар қандай бемор ҳам дардларини эсдан чиқариб юбориши шубҳасиз.

Бу ерда қурилиш-бунёдкорлик ишлари тинмайди. Ўтган йил асосий бинолардан бири таъмирланаётганди. Бу йил таъмир аллақачон тугатилиб, бино янада гўзал, янада шинам ҳолга келтирилди. Санаторийда илгарилари бир хонада бир неча киши турган бўлса, ҳозир бир ёки икки киши туришига мўлжалланган замонавий хоналар меҳмонлар хизматида. Айниқса, оилавий дам олувчилар учун янгидан бино этилган коттеджларни айтмайсизми! Хуллас, рисоладаги санаторий учун нима керак бўлса, бари муҳайё!

320 та ўринга эга сиҳатгоҳ юрак-қон томир аъзолари, асаб тизими, андрологик ва гинекологик касалликлари бўлган беморларни даволаш ва соғломлаштиришга ихтисослашган. Умуман, санаторийнинг даволаш йўналиши ва қамрови кенг. Бу ерга даволаниш ва дам олиш учун келган инсонларга зарур шарт-шароит яратилган. Шифо маскани энг сўнгги русумдаги замонавий асбоб-ускуналар, даволаш-ташхис аппаратуралари билан жиҳозланган. Реабилитация бўлими даволанувчиларнинг саломатликларини тиклаш учун туну кун хизматда. Интенсив терапия палатаси сунъий нафас олиш аппарати, дефибриллятор, суткали монитор ва инфаркт миокардига чалинган беморларга тез ёрдам бериш учун керакли барча воситалар билан таъминланган. Компьютерли электрокардиография хонасида юракнинг ишлаш маромини жуда аниқ ўлчовлар бўйича билиш, ҳатто инфарктнинг яширин формаларини аниқлаб бериш имкони бор. Бундан ташқари, қўли енгил шифокорлар физиотерапия муолажалари, психотерапия сеанслари ва индивидуал машғулотлар ҳам олиб боришади. Хуллас, энг яхши невропатолог, уролог-андролог, кардиолог, гинеколог, дерматолог, окулист, психотерапевт, стоматолог ва бошқа йўналишдаги шифокорлар ушбу масканга жамланган, муолажалар етакчи профессорлар билан бамаслаҳат олиб борилади. Санаторийда даволашнинг барча турларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Масалан, балчиқ ва парафин билан даволаш, кислород ҳамда турли гиёҳли ингаляциялар, игнарефлексотерапия усуллари ҳам беморнинг аҳволини яхшилашга хизмат қилади.

Албатта, сиҳатгоҳда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларда ажойиб инсон, етук мутахассис, зукко раҳбар Абдувакил Ғозиевнинг хизмати беқиёс. Буни бу даргоҳда жилла қурса бир мартагина бўлган инсон ҳам тасдиқлайди. Санаторийнинг ҳар бир бўлимида фидокорлик билан фаолият юритиб келаётган инсонлар ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Дилдора Аблиямитова муомала, маданият ва билим-тажриба борасида барча ходимларга шахсий намуна кўрсатади. 2-кардиология бўлимида ҳам барча қулайликлар яратилган. Бўлим мудири, қўли енгил шифокор Муҳаррам Ғозиева ўз ишининг чинакам устаси. Олий тоифали психотерапевт Саодат Одилова, ҳамширалардан Барнохон, Сабоҳатхон, Мадинабону, Нилуфархон, қўйингки, сиҳатгоҳнинг барча ходимлари ўз ишининг фидойилари. Маскан ходимларининг ширинсуханлиги, хушмуомалалиги ҳам беморларнинг тез муддатда сиҳат топишига сабаб бўлмоқда. Зеро, беморга даво воситаларидан ҳам кўра шифокорнинг ширин сўзи яхшироқ таъсир этишини кўпчилик билади. "Ўткан кунлар" романи қаҳрамони Юсуфбек ҳожининг тили билан айтганда, "Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаган". Мазкур иборани бемалол "Турон" сиҳатгоҳига ҳам қўллаш мумкин.



"Турон" сиҳатгоҳи хусусида сўз борар экан, ушбу масканнинг таърифи етти иқлимга кетган маъданли суви ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Бу сув таркибида инсон саломатлиги учун керакли ўнлаб минерал моддалар мавжуд ва у ошқозон-ичак, асаб тизими, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморлар учун жуда фойдали. Бу ерда даволанаётганлар эндиликда қайси бўлимда даволанишидан қатъий назар шундоққина емакхонага кираверишда оби-ҳаётдан баҳраманд бўла олади. Минерал сувда душ қабул қилишни тасаввур қилаяпсизми, бу йўл билан беморларнинг ичак, ошқозон, жигар ва ўт йўллари ювилади. Шунингдек, даволанувчилар минерал сувли бассейнда чўмилиш имконига ҳам эга. Маъданли сув Кавказнинг машҳур сиҳатгоҳларидан чиқадиган сувлардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Даволаниш мукаммал бўлиши учун албатта овқатланишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Мазкур талабдан келиб чиқиб, сиҳатгоҳ ошхонасида шифокорларнинг кўрсатмаси асосида парҳез столлари ташкил этилган, даволанувчилар лазиз таомлар, саломатликни тиклашда катта ёрдам берадиган витаминли маҳсулотлардан тановул қиладилар, йил давомида сутли маҳсулотлар, барра сабзавот ва сархил мева-чевалар узилмайди.

Дунёнинг нуфузли тиббиёт муассасалари ўтказган илмий изланишларга кўра, беморни даволашда кулги ва мусиқанинг аҳамияти катта. Шу боис, "Турон" сиҳатгоҳида ҳам маданий-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга даволанувчилар учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги муқаддас зиёратгоҳлар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ҳам уюштириладики, бу вилоятлардан ва хориждан келаётган даволанувчиларни мамнун этмоқда.

Маълумотларга қараганда, сиҳатгоҳда ҳар йили ўртача етти-саккиз минг киши дам олади. Охирги йилларда Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Латвия, Литва, Эстония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва бошқа хорижий давлатлардан ҳам бу ерга келаётган инсонлар сафи кенгайиб бормоқда. Яъни, дам олиш маскани довруғи чегаралар оша хорижий элларга ҳам етмоқда. "Турон"нинг ўтган йиллар давомида республика сиҳатгоҳлари орасида энг яхши деган унвонга муносиб кўрилгани ҳам бежиз эмас. Буларнинг барчаси тиббий хизмат сифати йилдан йилга ошиб бораётганини тасдиқлайди.

# НИГОҲ

**ФАОЛИЯТ**

Самарқанд шаҳридаги «Меҳр» номли 121-мактабгача таълим муассасасига йўлимиз тушганида ўша куни Самарқанд олий ҳарбий автомобиллар муҳандислик академиясининг курсант ва зобитлари «Ватан посбонлари – мард ўғлонлар» деб номланган тадбир ўтказишаётган экан. Болакайларнинг ранг-баранг кийимларию, завқли ҳаракатларини кўрган кишининг дили яйрайди.

# Ҳамма нарса болалар хизматида

## Самарқанддаги «Меҳр» номли 121-мактабгача таълим муассасасида бўлсангиз, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз



Болалар курсантларга куй-қўшиқ ва рақслар ижро этиб беришди. Курсантлар эса болаларга совға-саломлар улашдилар. Ўша куни ота-налар ҳамкорлигида Самарқанд олий ҳарбий автомобиллар муҳандислик академияси билим юрти музейи, Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари ва музейларига саёҳат қилдилар. Бундан тарбияланувчилар ҳам, ота-оналар ҳам ниҳоятда қувонишди. Ота-оналар уйга қайтаётиб, боғча мудираси Дилором Азимбековага миннатдорлик билдиришди.

Дилором мактабдалик чоғидаёқ тарбиячи бўлишни дилига тугиб қўйган эди. Унинг шу орзуси қанот бўлиб, аввал педагогика билим юртида, сўнгра ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Самарқанд Давлат университетида таҳсил олди. Унинг ўз касбига меҳри, изланувчанлик ва ташаббускорлиги туфайли таълим муассасаси шаҳар ва вилоят кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллаб келаяпти. Масалан, боғча тарбияланувчилари «Ўзбекистон – Ватаним менинг», «Она тилим – жону дилим», «Самарқанд – болалар нигоҳида», «Ўзбек тили» ва бошқа танловларда совринли ўринларни эгаллашди. «Умид-2009» танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят халқ таълими бошқармаси совrini - компьютер жамланмасини қўлга киритишди.

Омадни қарангки, жорий «Умид-2010» танловида ҳам биринчи ўринга сазовор бўлишди. Мактабгача таълим муассасаси Самарқанд чет тиллар олийгоҳи ва Самарқанд вилояти педагог-ходимлари малакасини ошириш институтининг таянч муассасаси ҳисобланади. Шунингдек, Самарқанд олий ҳарбий автомобиллар муҳандислик академияси билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

Боғчада оила шажараси ташкил этилган. Болалар унинг воситасида ўз аждодлари ҳақида бошланғич маълумотга эга бўлишаяпти. Маскандаги машғулот ўтаётган болалар, ҳовли ўртасида қийғос очилган гуллар, муассаса ходимларининг бир-бирига бўлган меҳрибонлигини бир оилага қиёсладик.

Боланинг дидини тарбиялаш, шу қатнаётган маконига меҳр қўйиш аввало, оиланинг, кейин боғчанинг иши. Шу маънода боғчанинг гўзал кўриниши, яхши шароит боланинг дидини ўстиришда муҳим ўрин тутади.

- Боғчамизда тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш, тасаввурини бойитиш учун барча шарт-шароит яратилган, - дейди мудира Дилором Азимбекова. - Мактабгача тайёрлов гуруҳлари учун инглиз тили, театр ва бадиий адабиёт, мини футбол, компьютер тўгараклари ташкил этилган. Шунингдек, болаларга шаҳримиздаги маданий қадриятлар ҳақида тушунчалар бериб борамиз. Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш учун замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу эса, албатта моддий базага боғлиқ. Агар хоҳиш-истак бўлса имконият ҳам пайдо бўлаверади. Аксарият ҳолларда ота-она ва ташкилотлар ҳомийлигига таяняпмиз.

Дарҳақиқат, бу муассасага Самарқанд шаҳридаги «Саттепо», «Янгиқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва ота-оналарнинг ёрдамлари катта бўлаяпти. Боғчада 18 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари эса бепул қатнаяпти.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**









O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗМТДП ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Сизларни жонажон Ўзбекистонимиз ва тарихи улуғ, бугуни мунаввар, келажаги буюк халқимиз ҳаётидаги энг олий неъмат – Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами билан муборакбод этамиз.



Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги мудом олий мақсадимиз бўлиб қолсин.



O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗМТДП АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни улуғ байрам – Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 19 йиллиги билан қутлаймиз.

Осмонимиз ҳамиша мусаффо, тинчлигимиз барқарор бўлсин!

# КЎЗГУ

## ЎГИТ

**Ҳайрат фалсафанинг ибтидосидир.**

* * *

**Табиат ўзини-ўзи даволовчи одамга ўхшайди.**

* * *

**Ҳеч нарса тасодифан содир бўлмайди. Биз тасодиф деб атайдиган ҳамма нарсанинг ўз сабаби бор.**

## БИЛАСИЗМИ?

Виржиния политехника институти (АҚШ) олимларининг хулосасига кўра, ҳар сафар овқатланишдан аввал икки стакан сув ичган одам қисқа вақт ичида ўртача 2 килограммгача вазн ташлаши мумкин.

* * *

Даниялик ихтирочилар Кристиан фон Бенгстон ва Петер Мэдсен космосга ўзларининг қўлбола ракеталарини учиришмоқчи. Илк синов парвози 30 августга белгиланган. Мазкур ракетада Мэдсеннинг ўзи учиши кутилмоқда.

## ТУРФА ОЛАМ

### Йирик ботаника боғи

**Туркияда дунёдаги энг йирик ботаника боғининг қурилиши бошланди.**



Мазкур Zeytin Park (Зайтун боғи) лойиҳаси Анталия тижорат биржаси, муниципалитетлар, бир нечта савдо компания ҳамда нотижорат ташкилотлари томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг умумий қиймати салкам $15 миллионга баҳоланмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, боғ 263 гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда мевали ва манзарали дарахтлардан ташқари, сабзавот ва экинлар учун ҳам ер ажратилиши режалаштирилган. Лойиҳа муаллифларининг фикрича, Zeytin Park ҳақиқий маънода дунёдаги энг йирик "жонли боғ"лардан бири бўлади. Анталия муниципалитети эса боғ баҳона шаҳар тарихи, унинг маданий ва экологик меросини тарғиб қилиш орқали сайёҳлар учун турли-туман кўнгилочар тадбирларни ташкиллаштиришни мўлжаллаб турибди.

### Помидор байрами

**Бу йил ҳам анъанага мувофиқ ёзнинг сўнгги кунларида Испаниянинг Буньол шаҳрида помидорлар фестивали бўлиб ўтди.**



Машҳур фестиваль маҳаллий вақт билан соат 11:00 да мушакбозлик билан бошланади. Секин-аста шаҳарга помидор ортилган юк машиналари кириб келади. Шундан сўнг, фестиваль қатнашчилари помидорлар тўкилаётган жойга югуриб боришади ва ҳамма қўлига сиққанича помидор олиб, бир-бирига отади. Энг қизиғи, бундай пайтда ҳеч ким аяб ўтирилмайди. Кўчадан ўтиб кетаётган ўткинчи ҳам помидор "еб" қолиши мумкин. Шу боис, фестиваль бошланишидан аввал шаҳардаги барча дўкон, кафе ва ресторанларнинг ойна ва эшиклари махсус пластик қалқонлар билан беркитиб қўйилади. Энг биринчи помидор байрами бу ерда 1945 йили қайд этилган бўлиб, ўшанда арзимас тушунмовчилик сабаб одамлар бир-бирига помидор улоқтиришган экан. Кейинчалик бу анъана тусини олгач, уни ҳар йили байрам сифатида нишонлаш йўлга қўйилган. Шундан бери фестиваль ўз анъаналарига содиқ қолган ҳолда тўртта қоида асосида ўтказиб келинади. Аввало, фестиваль мушакбозлик билан бошланиб, худди шундай якунига етади. Фестиваль чоғида одамларга қарата помидордан бўлак нарса отиш мумкин эмас. Шунингдек, жаҳл устида бир-бирининг кийимини йиритиш ва помидор ортилган машиналар ҳаракатига халал бериш қатъиян ман этилган.

**Зафар МУҲАММАД**
**тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 723, Адади — 5444

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи: Умурзоқ ҲАМДАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 3.15.

1 2 3 5